

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Солиқ тўловчилар бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар - резидентлар ҳисобланадилар.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база бўлиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузил-мани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ ставкаси 8 фоизни ташкил этади.

Жорий тўловлар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузил-мани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Мисол: корхонанинг бир ойдаги даромади 15 200,0 минг сўм ташкил этмоқда. Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланганда ($15\,200,0 \times 9\% =$) 1 368,0 минг сўмни ташкил қилди.

$15\,200,0 - 1\,368,0 = 13\,832,0 \times 8\% = 1\,106,56$ минг сўм ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланилади.

Имтиёзлар. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.